

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ БОБУРБЕК АХМАДБЕКОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН**  
**Фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш**

**08.00.15 – Тadbиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**  
**(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Юсупов Бобурбек Ахмадбекович**

Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш  
механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Юсупов Бобурбек Ахмадбекович**

Совершенствование механизмов использования экономического  
потенциала малого бизнеса в Узбекистане..... 29

**Yusupov Boburbek Axmadbekovich**

Improvement of mechanisms for using the economic potential of small business  
in Uzbekistan..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ БОБУРБЕК АХМАДБЕКОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН**  
**Фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш**

**08.00.15 – Тadbиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**  
**(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Iqt554 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гафуров Убайдулло Вахабович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Неъматулла Фатхуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Рустамов Максуд Сувонқулович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**


**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» август кuni соат 24<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (1003 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «28» июль кuni тарқатилди.  
(2020 йил «28» июль даги 23- рақамли реестр баённомаси).



  
**Н.Х. Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

  
**С.К. Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в.б., и.ф.д., доцент

  
**Ш.Дж. Эргашходжаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда иқтисодий тараққиётнинг изчил ва барқарор омили сифатида кичик бизнес алоҳида ўрин тутди. «Кичик корхоналар ЯИМ ўсиши ҳамда аҳоли бандлигининг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Жаҳонда ўрта ҳисобда кичик корхоналарга жами банд аҳолининг 50 фоиздан ортиқ қисми ҳамда ЯИМ умумий ҳажмининг 50-60 фоизи тўғри келади. ...Жаҳон иқтисодиётида кичик фирмалар, компания ва корхоналарнинг катта миқдори фаолият юритади, жумладан фақат Америка Қўшма Штатларининг ўзида кичик бизнес миллий маҳсулот қўшимча ўсишининг деярли ярмини ҳамда янги иш ўринлари ўсишининг учдан икки қисмини таъминлайди»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда иқтисодий тараққиётни таъминлашда кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда унинг иқтисодий салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланиш йўналишидаги илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада кичик бизнес субъектлари иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг қўшимча ички имкониятларини очиб бериш, хўжалик юритиш жараёнида хусусий манфаат ва ижтимоий масъулиятни уйғунлаштириш механизмини такомиллаштириш, кичик бизнес корхоналарида ишчи кучи ва моддий ресурслардан янада самарали фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, бой берилмаётган имкониятларнинг олдини олиш каби тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида мамлакатимизни тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим йўналишга айланди. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади»<sup>2</sup>. Бу борада кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қулай ишчан муҳит яратиш, жумладан, ижара асосида фойдаланиш таклиф этиладиган бўш турган объектларнинг ҳолатини инфратузилма тармоғи билан таъминланиш даражасини эътиборга олган ҳолда комплекс баҳолаш ҳамда меҳнат, моддий ва инвестиция каби ресурсларни эътиборга олган ҳолда иқтисодий салоҳиятни яхлит баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий фаолиятга жалб этилмаган бўш иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш

<sup>1</sup> Sadiqova, R. (2018). Foreign practice of forming competitive environment in small business. The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 21. - <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2018/iss1/21>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. - <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

механизмларини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида», 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон «Оилаий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнеснинг ривожланиши ва мазкур жараёнга унинг иқтисодий салоҳияти таъсири масалалари узоқ хориж мамлакатларининг қатор олим ва мутахассислари, жумладан Badal, S., Kritikos, A.S., Nallari, R., Ademola, O.J., Hathaway, I., Litan, R.E., Mickiewicz, T., Nyakudya, F.W., Theodorakopoulos, N., Kellermanns F., Walter, J., Crook, T.R., Kemmerer, B., Narayanan, V., Dobes, V., Fresner, J., Krenn, C., Rinaldi, C., Cortesi, S., Rawhouser, H., Villanueva, J., Boso, N., Danso, C., Leonidou, A., Uddin, M. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Масалан, Badal<sup>4</sup> кичик бизнес иқтисодий

<sup>3</sup> Nallari, R., et al. (2010). A Primer on Policies for Jobs. The World Bank.; Ademola, O.J. (2014). Working capital management and profitability of selected quoted food and beverages manufacturing firms in Nigeria. European Journal of Accounting Auditing and Finance Research, 2(3). 10-21.; Mickiewicz, T., Nyakudya, F.W., Theodorakopoulos, N. et al. Resource endowment and opportunity cost effects along the stages of entrepreneurship. Small Bus Econ 48, 953–976 (2017).; Franz Kellermanns, Jorge Walter, T. Russell Crook, Benedict Kemmerer & Vadake Narayanan (2016) The Resource-Based View in Entrepreneurship: A Content-Analytical Comparison of Researchers' and Entrepreneurs' Views, Journal of Small Business Management, 54:1, 26-48.; Dobes, V., Fresner, J., Krenn, C., Rinaldi, C., Cortesi, S.,

салоҳиятини янги иш ўринларининг яратилиши, Kritikos<sup>5</sup> ишлаб чиқарувчанликнинг ортиши, таркибий ўзгаришнинг юзага келиши жихатидан ўрганган. Anderson ва Reeb<sup>6</sup> кичик бизнес субъектларини оилавий тарзда ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини, Gomez-Mejia, Larraza-Kintana ва Makri<sup>7</sup> оилавий тадбиркорликни бошқаришдаги мураккабликларни, Hathaway ва Litan<sup>8</sup> кичик бизнес фаолият барқарорлигини тадқиқ этган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Хамидуллин Ф.Ф., Хаит М.М., Иванов Я.Е, Жабин А.П., Волкодавова Е.В., Яковлев Г.И., Машина Ю.О. ва бошқалар кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва омиллари тадқиқ этган бўлсалар<sup>9</sup>, Гилемханова Л.Ф., Запольских Ю.А., Гусейнова Т.К., Требова С.В., Плешаков П.С., Артемова О.В., Логачева Н.М., Нестеренко И.Ю., Багинова В.М., Беломестнов В.Г., Саал Т., Савенкова Т., Дзобелова В.Б., Олисаева А.В., Цёхла С.Ю., Полищук Е.А. ва бошқалар бевосита кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш масалалари тадқиқига эътибор қаратганлар<sup>10</sup>.

---

et al. Analysis and exploitation of resource efficiency potentials in industrial small and medium-sized enterprises – Experiences with the EDIT Value Tool in Central Europe. *Journal of Cleaner Production*. Volume 159, 15 August 2017, Pages 290-300; Rawhouser, H., Villanueva, J., Newbert, S.L. Strategies and Tools for Entrepreneurial Resource Access: A Cross-disciplinary Review and Typology. *International Journal of Management Reviews*. Apr 21, 2016; Boso, N., Danso, C., Leonidou, A., Uddin, M. Does financial resource slack drive sustainability expenditure in developing economy small and medium-sized enterprises? *Journal of Business Research*. Volume 80, November 2017, Pages 247-256; Human Resource Strategies and Sustainability in Small Businesses by Christopher M. Rice Doctoral Study Submitted in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Doctor of Business Administration Walden University December 2018.

<sup>4</sup> Badal, S. (2010). *Entrepreneurship and Job Creation: Leveraging the Relationship*. Gallup Inc. <http://nifa.org/downloads/entrepreneurshipandjobcreation10711.pdf>. Accessed 02 Sept 2015.

<sup>5</sup> Kritikos, A.S (2014). *Entrepreneurship and their impact on jobs and economic growth*. IZA World of Labor. <http://wol.iza.org/articles/entrepreneurship-and-their-s-impact-on-jobs-and-economic-growth/long>. Accessed 02 Sept 2015.

<sup>6</sup> Anderson, R.C., & Reeb, D.M. (2003a). *Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500*. *The Journal of finance*, 58(3), 1301-1328. Anderson, R.C., & Reeb, D.M. (2003b). *Founding-family ownership, corporate*. *The Journal of Law and Economics*, 46(2), 653-684.

<sup>7</sup> Gomez-Mejia, L.R., Larraza-Kintana, M., & Makri, M. (2003). *The determinants of executive compensation in family-controlled public corporations*. *Academy of Management Journal*, 46(2), 226-237.

<sup>8</sup> Hathaway, I. and R.E. Litan (2014). *Declining Business Dynamism in the United States: A Look at States and Metros*. The Brookings Institution.

<sup>9</sup> Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса // *Проблемы современной экономики*, №3(19), 2007.; Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий // *Вестник Московского университета*, сер. 6. Экономика, №4, 2006. – С.32-43.; Иванов Я.Е. Зарубежный опыт инновационного развития малого бизнеса // *Молодой ученый*. – 2013. – №12. – С. 306-308. – URL <https://moluch.ru/archive/59/8018/>; Жабин А.П., Волкодавова Е.В., Яковлев Г.И., Машина Ю.О. Развитие малого и среднего предпринимательства как фактор ускорения экономического роста // *Интернет-журнал «Науковедение»*. Том 9, №4. 2017.

<sup>10</sup> Гилемханова Л.Ф., Запольских Ю.А. Предпринимательский потенциал // *Экономические науки*. - №46-2. 19.05.2016 - <https://novainfo.ru/article/6043>; Гусейнова Т.К. Инновационный потенциал – важнейшая составляющая экономического потенциала // В сборнике «Актуальные проблемы науки, экономики и образования XXI века». – 2012. – С.85-92. – URL: <http://bgscience.ru/lib/10859>; Требова С.В., Плешаков П.С. Предпринимательские способности населения: понятие и измерение // *Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал)*, №9(17), 2012. –www.sisp.nkras.ru. – С.5.; Артемова О.В., Логачева Н.М., Нестеренко И.Ю. Ресурсы для развития малого и среднего предпринимательства региона // *Социум и власть*. 2018. № 2 (70). С.48-55.; Багинова В.М., Беломестнов В.Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе. // *Известия Иркутской государственной экономической академии*. 2015. Т. 25, № 6. С.999-1003.; Саал Т., Савенкова Т. Экономический и инновационный потенциал малого бизнеса. // *Финансовая жизнь*. М.: Академия менеджмента и бизнес-администрирования, 2014. – С. 22-31.; Дзобелова В.Б., Олисаева А.В. Экономический потенциал малого предпринимательства Северо-Кавказского федерального

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни, унинг Ўзбекистон иқтисодиёти етакчи тармоқ ва соҳаларидаги амал қилиш хусусиятлари, шарт-шароитлари ва муаммолари республиканинг қатор олимлари, жумладан, Абдуллаев Ё., Каримов Ф., Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р., Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А., Тўрабеков С.Ш., Мухаммедов М.М. ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>11</sup>.

Шунингдек, Абдурахмонова Г.К., Алимардонов И.М., Гафуров У.В., Муродова Н.К. ва бошқаларнинг фан доктори диссертацияларида<sup>12</sup>, Абдуллаев А.Ж., Балтабаева М.М., Ёзиев Ғ.Л., Ибрагимова М.М., Машарипова М.А., Рашидова Ф.Ш., Рустамов М.С., Тўйчиев А.Ғ., Тўхсанов Қ.Н., Файзуллаев Н.Б., Юлдашев Д.Т., Гойипназаров С.Б. ва бошқаларнинг фалсафа доктори диссертацияларида<sup>13</sup> кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг турли жиҳатлари илмий тадқиқ этилган.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этиб ўтилган тадқиқотларда ҳозирги шароитда Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фой-

---

окурга // *Фундаментальные исследования*. – 2015. – № 2-26. – С. 5864-5868; Цёхла С.Ю., Полищук Е.А. Механизм формирования и развития потенциала малого предпринимательства в сфере создания новых рабочих мест на региональном рынке труда // *Российское предпринимательство*. – 2017. – Том 18. – № 17. – С. 2587-2598.

<sup>11</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. – 349 б.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Тўрабеков С.Ш., Мухаммедов М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари // *Иқтисод ва молия*. 2016, №2. 33-38-б.

<sup>12</sup> Абдурахмонова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.; Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2018.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2017.; Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.

<sup>13</sup> Абдуллаев А.Ж. Курилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегияси (Тошкент вилояти мисолида). Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Балтабаева М.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар). Дис. ... т.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Ёзиев Ғ.Л. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат инновацион ривожидagi салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари (Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари тажрибаси мисолида). Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.; Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Рашидова Ф.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (тарихий ёндашув). Дис. ... т.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Тўйчиев А.Ғ. Кичик бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2020.; Файзуллаев Н.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.; Гойипназаров С.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.



даланиш механизмларини такомиллаштириш масалалари тадқиқига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз-лашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш», йўналиши, №А-2-026+(А-2-027) «Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар қатламини кенгайтиришда тадбиркорлик салоҳиятидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш» (2015-2018 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳалари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи таркибий унсурларни тадқиқ этиш орқали улар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликни аниқлаш;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни хусусиятли белгиларидан келиб чиққан ҳолда муайян тизимга келтириш;

миллий иқтисодиётда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва имкониятларини, жумладан, бу борада яратилган ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар, иқтисодий ресурсларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига жалб этилганлик даражасини баҳолаш;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

аҳоли ихтиёридаги ресурсларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион механизмларини жорий этиш бўйича илмий таклифларни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик ва таққослама таҳлил, индекс усули, эксперт баҳолаш, ижтимоий сўров ўтказиш ва бошқа усуллар қўлланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ижара асосида фойдаланиш учун таклиф этиладиган давлат мулки объектлари ҳолатини инфратузилма тармоғи билан таъминланиш даражасини эътиборга олган ҳолда комплекс баҳолаш асосланган ва ҳисоблаш тартиби таклиф этилган;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятини меҳнат, моддий ва инвестицион ресурсларни эътиборга олган ҳолда ҳудуд ва хўжалик субъекти даражасидаги индекс кўрсаткичлари рейтингини ҳисоблашга асосланган яхлит баҳолаш тизими таклиф этилган;

маҳалла ва маҳаллалараро миқёсда иқтисодий фаолиятга жалб этилмаган бўш иқтисодий ресурслардан кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда самарали фойдаланиш бўйича «ҳудуддаги иқтисодий ресурсларни бизнес-мувофиқлаштириш» функциясига асосланган механизм таклиф этилган;

кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш ёндашуви тадбиркорлик фаолиятининг ишга солинмаган имкониятларини «социологик тадқиқот – мавжуд имконият – ривожлантириш йўналишлари» занжирини тадбиқ этиш орқали аниқлаш асосида такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи таркибий унсурларни тадқиқ этиш орқали улар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқлик асосланган;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланиб, уларнинг хусусиятли белгиларидан келиб чиққан ҳолда муайян тизимга келтирилган;

миллий иқтисодиётда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашни услубий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва имкониятларини, жумладан, ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар, иқтисодий ресурсларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига жалб этилганлик даражаси баҳоланган;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган;

аҳоли ихтиёридаги ресурсларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни кучайтириш чора-тадбирлари такомиллаштирилган;

«Ностандарт иқтисодий шароитда кичик корхонанинг барқарорлигини муайян муддатга таъминлашнинг захира йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш таклифи асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олингани, эксперт баҳолаш натижаларига, шунингдек уларни етакчи иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес

иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга асослангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти услубий аҳамиятга молик ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан кичик бизнес субъектлари фаолиятида иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишга оид назарий ва илмий-услубий аппаратни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган дастурий ҳужжатларни, прогноз кўрсаткичларини асослаш ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда, шунингдек кичик бизнесга оид ўқув адабиётларини тайёрлаш ва илмий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ижара асосида фойдаланиш учун таклиф этиладиган давлат мулки объектлари ҳолатини инфратузилма тармоғи билан таъминланиш даражасини эътиборга олган ҳолда комплекс баҳолаш ва ҳисоблаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги 8-сон «Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 8 майдаги 273-сон «Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 06/04-02-01-32/1646-сон, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2018 йил 3 декабрдаги 5844/03-14-2-сон маълумотномалари). Мазкур таклифдан фойдаланиш натижасида турли вилоятлардаги тадбиркорлар учун ижара асосида фойдаланишга таклиф этилган давлат мулки объектларининг инфратузилма тармоғи ҳолатини аниқлаш ҳамда улар бўйича камчиликларни бартараф этиш орқали бизнес муҳит ҳамда ишбилармонлик индексларини яхшилаш имконияти яратилган;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятини меҳнат, моддий ва инвестицион ресурсларни эътиборга олган ҳолда худуд ва хўжалик субъекти даражасида индекс кўрсаткичлари рейтингини ҳисоблашга асосланган яхлит баҳолаш тизимидан «Бизнес-режалаштириш» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи, рўйхатга олиш рақами 394-113). Бунинг натижасида

республиканинг турли ҳудудларидаги кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш орқали ресурслардан самарали фойдаланишнинг қўшимча имкониятларини услубий жиҳатдан аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга йўналтириш имкони яратилган;

маҳалла ва маҳаллалараро даражада иқтисодий фаолиятга жалб этилмаган бўш иқтисодий ресурслардан кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда самарали фойдаланиш бўйича «ҳудуддаги иқтисодий ресурсларни бизнес-мувофиқлаштириш» функциясига асосланган механизмни киритиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 06/04-02-01-32/1646-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни қўллаш натижасида маҳалла ва маҳаллалараро миқёсда тадбиркорлик фаолиятига бўш иқтисодий ресурсларни жалб этиш салмоғини ошириш имконияти яратилган;

кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш бўйича тадбиркорлик фаолиятининг ишга солилмаган имкониятларини «социологик тадқиқот – мавжуд имконият – ривожлантириш йўналишлари» занжирини тадбиқ этиш орқали аниқлаш асосида такомиллаштирилган ёндашув «Бизнес-режалаштириш» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи, рўйхатга олиш рақами 394-113). Бунинг натижасида кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашда тадбиркорлик фаолиятининг амалдаги ҳолатини мавжуд имкониятлар билан таққослаш орқали янада ривожлантириш йўналишларини услубий жиҳатдан такомиллаштириш ҳамда мазкур йўналишдаги билим ва кўникмаларни шакллантириш имконини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида кичик бизнес иқтисодий салоҳиятини ташкил этувчи таркибий унсурлар, мазкур салоҳиятдан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, миллий иқтисодиётда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда иқтисодий салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, миллий иқтисодиётнинг салоҳиятини тўғри аниқлаш ва унинг тўлқонли ишга туширилишини таъминлаш нафақат ривожланишнинг муҳим шарти, балки халқаро миқёсда рақобатдошлигини таъминлашнинг замини ҳисобланади. Ушбу муаммо бўйича олим-мутахассислар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар бўйича муайян илмий натижалар олинган. Умумий ҳолда «салоҳият» (потенциал – латинчада *potentia* – куч, имконият) – бирон-бир нарсани ҳаракатга келтириш, муайян ҳолатда ушлаб туриш ёки сақлаш учун зарур бўлган воситалар, шароитлар мажмуи сифатида қаралади. Шунга кўра «иқтисодий салоҳият – бу мамлакат иқтисодиёти, унинг тармоқлари, корхоналар, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, маҳсулот, товар, хизматларни ишлаб чиқариш, аҳоли талаблари, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ривожланишини таъминлаш бўйича йиғма қобилятини билдиради»<sup>14</sup>.


Бундан кўринадики, иқтисодий салоҳиятнинг иқтисодий мазмунини очиб беришда ушбу масала «иқтисодий салоҳият» тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган иқтисодий ресурс, имконият, захира, шароит, восита каби тушунчаларнинг нисбатини аниқлаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ишда иқтисодий салоҳият билан боғлиқ асосий тушунчалар, жумладан, тадбиркорлик салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳиятининг узвий алоқадорлиги очиб берилган.

Тадқиқотда мавзу йўналишидаги иқтисодий адабиётларда келтирилган иқтисодий салоҳиятнинг таркибий унсурлари муайян тизимга солиниб, уларнинг кичик бизнес иқтисодий салоҳияти таркибий унсурлари билан ўзаро нисбатини ифодаловчи илмий-услубий қоидалар шакллантирилган. Яъни, кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти умумий (мамлакат иқтисодиёти

---

<sup>14</sup>Экономический потенциал. - [https://dic.academic.ru/dic.nsf/econ\\_dict/20404](https://dic.academic.ru/dic.nsf/econ_dict/20404)

даражасидаги) иқтисодий салоҳиятдан фарқ қилиб, у кичик бизнес субъектлари томонидан фойдаланилаётган ва қўшимча саъй-ҳаракат эвазига фойдаланишга киритилиши мумкин бўлган ресурслар, воситалар, шароитлар, куч ва имкониятлар мажмуидан иборат. Шунингдек, иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида (миқдорий ва сифат мезонлари бўйича чегарасига асосан) кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти чегарасини белгилаб олиш мумкин (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес иқтисодий салоҳиятининг чегараси<sup>15</sup>.

Таҳлилнинг кўрсатишича, умумий ёки миллий иқтисодиёт даражасидаги иқтисодий салоҳият (УИС) унинг таркибий унсурлари бўйича барча ресурслар, воситалар, шароитлар ва имкониятларни қамраб олади. Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳият (КБИС) чегараси эса, унинг миқдор ва сифат мезонлари орқали белгиланган соҳасинигина қамраб олади.


Шунга кўра, табиийки, кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти умумий иқтисодий салоҳиятдан кичик бўлади. Бироқ, унинг таркибий унсурлари бўйича ушбу қоида ишламаслиги ҳам мумкин, яъни, назарий жиҳатдан муайян таркибий унсур бўйича кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти умумий иқтисодий салоҳиятга тенг бўлиши ҳам мумкин ( $0 \leq \text{КБИС} \leq \text{УИС}$ ).

Кичик бизнес иқтисодий салоҳияти турли таркибий унсурлардан таркиб топар экан, улардан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам айнан шу унсурлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатса, моддий ресурслардан фойдаланиш даражасига бошқа бир қатор омиллар гуруҳи таъсир кўрсатади. Шунга кўра, кичик бизнес иқтисодий салоҳиятининг таркибий унсурлари ҳамда унинг функционал тавсифидан келиб чиққан ҳолда унга таъсир кўрсатувчи омиллар муайян тизимга солинди.

Ишда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун унга таъсир кўрсатувчи омилларни тартибга солиш чораларини қўллаш

<sup>15</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

зарурлиги илмий жиҳатдан асосланиб, миллий иқтисодиётда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий масалалари кўриб чиқилган. Жумладан, мазкур жараёни мамлакатнинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий даражаси (масалан, маҳалла, туман, вилоят, мамлакат даражалари) ҳамда алоҳида унсурлари бўйича амалга ошириш мумкинлиги таъкидланиб, уни ҳисоб-китоб қилиш тартиби таклиф этилган.



2-расм. Ҳудуддаги кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш тартиби<sup>16</sup>.


Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш мазкур йўналишдаги тизимли чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини тақозо этади. Шунга кўра, ҳудуддаги кичик бизнеснинг

<sup>16</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш ва уни янада фаоллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш тартиби тавсия этилган (2-расм).

Худудлардаги иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олиш ҳамда уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш лозим. Шунга кўра, кичик бизнес корхоналари иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифодалашга хизмат қилувчи 12 та кўрсаткич белгилаб олинди ва уларни ҳисоблаш усуллари тавсия этилди.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, худудлар бўйича иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ифодалаш мақсадида ҳосил қилинган ушбу кўрсаткичлар маълумотлари бу борадаги яхлит, умумий манзарани кўрсатиб беролмайди. Шунга кўра, ишда худудлардаги кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасининг индекси ва рейтингини аниқлаш услуби мутлақ кўрсаткичларни хусусий индексга айлантириш ҳамда умумий қийматни барча алоҳида кўрсаткичлар индекслари йиғиндисининг ўртача геометрик қиймати орқали ифодалаш асосида ишлаб чиқилиб, 2017-2019 йиллар ҳолати бўйича кўрсаткичлари аниқланди. 2019 йил учун умумий индекс ва рейтингни диаграмма орқали кўриш мумкин (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон худудлари бўйича кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражаси индекслари ва рейтингини, 2019 йил<sup>17</sup>.

Диссертация тадқиқотининг «Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва имкониятлари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишда яратилган ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар таҳлил қилиниб, мамлакатдаги иқтисодий ресурсларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига жалб этилганлик даражаси баҳоланган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда иқтисодий ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг ўзаро мувофиқлиги ва уйғунлиги очиб берилган.

<sup>17</sup>Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик» статистик тўплами маълумотлари асосида ҳисобланган.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича иқтисодий сиёсат таркибида соҳанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада яратилган шарт-шароитларни умумий ҳолда иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ташкилий механизмлари, рағбатлантирувчи ва маъмурий тавсифдаги иқтисодий дастаклар таҳлили каби йўналишларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати 2013-2019 йиллар кўрсаткичлари орқали таҳлил қилинган. Жумладан, ушбу йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси олдинги йилга нисбатан тегишли равишда 2014 йилда 101,2%, 2015 йилда 100,5%, 2016 йилда 106,4%, 2017 йилда 110%, 2018 йилда 118,4%, 2019 йилда 127,9%ни фоизни ташкил этган. 2013 йилга нисбатан 2019 йилда республика бўйича соҳа субъектлари томонидан қўшимча равишда 612,8 минг кишининг бандлиги таъминланган. 2019 йилда иқтисодиёт тармоқлари орасида меҳнат ресурсларининг аҳамиятли (66,5%) қисми саноат (жами ходимларнинг 33,1%), савдо (17%) ва қурилиш (16,3%) тармоқлари корхоналарига тўғри келган. Таҳлил даврида иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича банд қилинган меҳнат ресурслари сонидан саноат, қурилиш, савдо, ташиш ва сақлаш тармоқлари етакчи ўрин эгаллаган бўлса, аксинча, молиявий ва суғурта фаолияти тармоғида бандлар сони қисқарган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятида меҳнат ресурсларини бир неча каналлар орқали жалб этиш мумкин: танишлар, қариндошлар; корхона ташкил этилган ҳудуд аҳолиси; меҳнат биржалари ва ярмаркалари; турли шаклда эълон қилиш орқали ва ҳ.к.

Ишда бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари томонидан ишчи кучини меҳнат биржалари ва ярмаркалари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг миллий вакансиялар базаси орқали орқали ёллаш жараёнлари таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари асосида мамлакатдаги ҳар бир иш берувчи томонидан ўзидаги бўш иш ўрнини дарҳол тўлдиришга ундовчи иқтисодий механизм яратилиши лозимлиги тўғрисидаги хулосага келинди.

Таъкидлаш керакки, иш ўринларини яратиш ва кичик бизнес томонидан иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишни баҳолашда асосий воситалар билан боғлиқ ҳолатлар таҳлили муҳим ўрин тутади. 2013-2019 йиллар мобайнида кичик бизнес корхоналарида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 6,2 марта ўсган бўлиб, кейинги йилларда мазкур кўрсаткич сезиларли равишда ошиб бормоқда (2016 йилда 128,5%, 2017 йилда 136,7%, 2018 йилда 153,0%, 2019 йилда 146,1%). Таҳлил даврида асосий воситаларнинг эскириш даражаси 21-26% атрофида бўлган. Бу, бир томондан, мазкур корхоналарда қўлланилаётган асосий воситаларнинг катта қисмини нисбатан тез эскирувчан (масалан, офис техникаси, автомобиль ва ҳ.к.) ташкил этиши билан изоҳланса, бошқа томондан, кичик бизнес субъектлари томонидан жадаллашган амортизация меъёрларининг қўлланиши билан ҳам изоҳланиши мумкин. Асосий воситалар рентабеллиги 2013-2015 йилларда 32-34 фоиз даражасида

бўлса, 2016 йилда нисбатан юқори кўрсаткич – 40,6 фоизни, 2019 йилда 18,6 фоизни ташкил этган. Асосий воситаларнинг рентабеллиги даражаси нисбатан юқори бўлиб, бунинг сабаби улар таркибида актив қисми (масалан, машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, приборлар)нинг юқорилиги билан изоҳланади.

Тадбиркорларга бўш турган давлат мулки объектларидан ижара асосида фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг электрон сайтида ҳудудлар бўйича илгари хусусийлаштирилган ва фойдаланилмаётган объектлар тўғрисида маълумот эълон қилиб келмоқда<sup>18</sup>. Ушбу тадбир мамлакати-миздаги тадбиркорларнинг бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш аҳамияти-даги бошқа объектларга бўлган эҳтиёжини қондиришда қулай шароит яратмоқда. Шу ўринда, фикримизча, ушбу рўйхатда тадбиркор томонидан объект тўғрисида дастлабки умумий тасаввурни ҳосил қилувчи қуйидаги қўшимча маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

бинонинг аҳамияти бўйича тавсифи;

бинонинг техник тавсифлари (жисмоний ҳолати, фойдаланишга яроқлилик даражаси ва бошқ.);

бинодан аҳамияти бўйича фойдаланиш учун амалга ошириш зарур бўлган ишлар (масалан, таъмирга муҳтожлик даражаси, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжудлиги ва ҳ.к.);

ҳар бир объектдан фойдаланиш юзасидан мутахассис тавсиялари ва ҳ.к.

Мазкур тадбирни самарали ва асосли амалга оширишда унинг услубий таъминотини такомиллаштириш мақадида турли вилоятларда ижарага берилаётган объектларнинг инфратузилма тармоғи билан таъминланганлик даражаси индексини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, ишда қуйидаги ҳисоблаш формуласидан фойдаланиш таклиф этилган:

$$ТДи = \frac{\frac{ИТ_1}{ОС} + \frac{ИТ_2}{ОС} + \dots + \frac{ИТ_n}{ОС}}{С_{ИТ}} = \sum_{i=1}^n \frac{(ИТ_i/ОС)}{n},$$

бу ерда:

ТДи – ижарага берилаётган объектнинг инфратузилма тармоғи билан таъминланганлик даражаси индекси;

ИТ<sub>i</sub> – инфратузилма тармоғи тури;

ОС – ижарага берилаётган объектлар сони;

С<sub>ИТ</sub> ёки n – инфратузилма тармоғи турлари сони.

Ушбу формула ёрдамида вилоятлардаги тадбиркорлар учун ижара бўйича фойдаланишга таклиф этиладиган давлат мулки объектларининг инфратузилма тармоғи билан таъминланганлик даражаси индекси ҳисоблаб чиқилиб, улар қийматига кўра квинтилларга гуруҳланган (1-жадвал).


<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг электрон сайти. - <https://davaktiv.uz/uz/xususiylashtirish/perechen-ranee-privatizirovannykh-i-neispolzuemykh-ob-ektov>.

**Худудларнинг ижара асосида фойдаланишга таклиф этилган давлат  
мулки объектларининг инфратузилма тармоғи билан таъминланганлик даражаси  
индексининг квинтиль бўйича гуруҳланиши<sup>19</sup>**

Квинтиль бўйича гуруҳлар	Худудларнинг индекс бўйича гуруҳлардаги ўрни
0,81 – 1,0	-
0,61 – 0,8	Тошкент шаҳри (0,68), Сирдарё (0,61)
0,41 – 0,6	Қорақалпоғистон Республикаси (0,54), Андижон (0,53), Самарқанд (0,5)
0,21 – 0,4	Наманган (0,4), Сурхондарё (0,38), Бухоро (0,3), Хоразм (0,27), Қашқадарё (0,25)
0,01 – 0,2	Жиззах (0,07)

Жадвалдан кўринадикки, мулк объектларининг инфратузилма тармоғи билан таъминланганлик даражаси индексининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятига, энг қуйи кўрсаткич Жиззах вилоятига тўғри келади.

Эътиборли жиҳати, таҳлил даврида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми сезиларли равишда ўсиб бормоқда (4-расм).



**4-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм<sup>20</sup>**

Расмдаги диаграмма маълумотларидан кўринадикки, 2013-2019 йиллар мобайнида кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 17,4 марта ўсган. Бу ўсиш, айниқса, кейинги йилларда аҳамиятли бўлиб, 2019 йилда олдинги йилга нисбатан 2,1 баравардан ортиқни ташкил этган. Кичик бизнеснинг инвестиция ресурслардан фойдаланиш ҳолатини унинг технологик ҳамда молиялаштириш манбалари бўйича таркибини таҳлил қилиш орқали баҳолаш мумкин (2-жадвал).

<sup>19</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>20</sup>Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” статистик тўплами маълумотлари асосида тузилган.

**Кичик бизнес корхоналарининг инвестиция ресурсларидан  
фойдаланиш ҳолати<sup>21</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4052,2	5797,5	6722,4	8874,1	14486,5	33111,9	70650,2
шу жумладан, технологик таркиби бўйича:							
машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестициялар	3034,7	4430,2	4849,4	6707,9	10728	24483,1	52543,0
қурилиш-монтаж ишлари	873,4	1185,2	1753,0	2040,9	3401,3	7304,4	15063,8
бошқа харажатлар	144,0	182,1	120,0	125,3	357,2	1324,4	3043,4
шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:							
корхоналарнинг ўз маблағлари	2264,0	2942,7	3624,7	4702,7	7358,5	13358,8	13663,0
чет эл инвесторлари маблағлари, уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда	310,9	564,5	329,8	862,4	886,1	3940,8	33613,9
чет эл кредитлари	1,3	27,6	509,9	185,1	497,2	1657,8	10669,7
банк кредитлари	1236,1	1786,2	1712,0	2159,1	4699,2	11342,0	10412,7
бошқалар	239,9	476,5	546,0	964,8	1045,5	2812,5	2290,9

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, таҳлил қилинаётган даврда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўртача 72-76 фоизи машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестицияларга, 20-26 фоизи қурилиш-монтаж ишларига тўғри келган. Кичик бизнес корхоналари асосий капиталга киритилган инвестицияларини молиялаштириш манбалари бўйича солиштирма салмоғининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борада энг катта салмоқ чет эл инвесторлари маблағларига тегишли бўлиб, у 2013 йилдаги 7,7%дан 2019 йилда 47,6%га қадар ўсиб борган. Ўз салмоғининг аҳамиятлилиги бўйича навбатдаги манба корхонанинг ўз маблағлари бўлиб, у 2013 йилдаги 55,9%дан 2019 йилда 19,3%га қадар пасайган. Чет эл кредитларининг салмоғи тегишли равишда деярли ноль даражадан 15,1%га ўсган бўлса, банк кредитлари 30,5 фоиздан 14,7%га қадар пасайган. Бундан кўринадикки, таҳлил даврида кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестицияларини молиялаштириш манбалари орасида чет эл инвесторлари маблағлари (уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда) ва чет эл кредитларининг салмоғида ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича солиштирма салмоғида сезиларли тафовутлар мавжуд. Жумладан, 2019 йилда барча инвестицияларнинг 21,5 фоизи Тошкент шаҳри, 9,9 фоизи Тошкент вилоятидаги кичик бизнес корхоналарига тўғри келган. Шунингдек, айрим ҳудудларда инвестициялар ҳажмининг ўсишида барқарорлик мавжуд эмас.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз).

2014-2019 йиллар давомида кичик бизнес корхоналари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича айрим тармоқлардаги ўсиш салмоқли бўлган: таълим соҳасида 23,5 марта, саноат тармоғида 22,5 марта, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида 22,1 марта, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 21,1 марта, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 19,6 марта.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолият кўрсаткичларини баҳолаш орқали мазкур йўналишдаги салоҳиятдан фойдаланиш даражаси таҳлилини амалга ошириш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

**Кичик бизнес корхоналарининг инновацион ресурслардан фойдаланиш ҳолати<sup>22</sup>**

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жорий қилинган инновациялар, бирлик	624	808	884	818	1180	1267	3807
Ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар, млрд. сўм	409,8	1160,7	1681,8	1671,9	2320,3	6780,6	7635,7
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм	181,2	351,4	354,8	211,4	717,2	1156,8	1939,9
